

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖЎРАЕВ ШАҲРИЁР ИБОДУЛЛОЕВИЧ

БИЛИНГВИЗМ ШАРОИТИДА ТОЖИК ВА ЎЗБЕК
ТИЛЛАРИНИНГ ЛЕКСИК САТҲДАГИ ЎЗARO АЛОҚАЛАРИ
(Самарқанд вилояти материаллари асосида)

10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти
(тожик тили ва адабиёти)

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2018

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Fil 273 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Илмий раҳбар:	Абдиев Муродқосим Болбекович филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Ҳасанов Абдужамол Ашрафович филология фанлари доктори, профессор
	Дадабоев Хамидулла Арипович филология фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил « ____ » _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz Самарқанд давлат университети, Бош ўқув биноси, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ____-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2018 йил « ____ » _____ куни тарқатилди.
(2018 йил « ____ » _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Муҳиддинов М.Қ.
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

Пардаев А.Б.
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.д.

Салоҳий Д.И.
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, ф.ф.д., профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида маълум лингвоареалда бирга ҳукм суриб келган турли оилаларига мансуб тилларнинг ўзаро алоқалари масаласини тадқиқ қилиш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилган. Жумладан, ўзаро алоқалар тилларнинг семантик, лексик ва грамматик структурасида юз берган энг муҳим ўзгаришларнинг ҳамда билингвизм ва полилингвизм ҳодисаларининг сабабларидан бири эканлиги ҳозирги жонли тилларнинг ҳолат ва хусусиятларидан келиб чиқиб тадқиқ этилган. Ушбу масалани республикамиз ҳудудида асрлардан бери ёнма-ён амалда бўлиб келган турли оилаларга мансуб тилларнинг ўзаро билингвизм алоқалари тарихи ва мустақилликдан кейинги ҳолатини атрофлича ёритиш эҳтиёжи бу хусусда янгича ёндашувлар асосида тадқиқотлар олиб бориш зарурати ҳамда мавзунинг долзарблигини белгилаб беради.

Дунё тилшунослигида тиллараро билингвизм масалаларининг “тиллараро омонимлар”, “тиллараро аналогизмлар” билан боғлиқ равишда тадқиқ этишнинг аҳамияти тобора ошиб бораётгани ва у замонавий лексикологик тадқиқотларнинг энг самарали усулларидан бири эканлиги боис икки ва ундан ортиқ тилларда шакли, талаффузи бир хил ёки ўхшаш, семантик жиҳатдан бир хил, баъзан бошқа маъноларни англатиб келаётган лексемаларнинг лисоний табиати дунё тилшунослигининг энг замонавий тадқиқот усуллари асосида жиддий изланишлар олиб боришни тақозо этади.

Мустақиллик йилларида республикамиз ҳудудидаги тилларнинг ўзаро таъсири ва лингвистик интерференция масалалари бўйича муайян тадқиқотлар амалга оширилди. Шу билан бирга мамлакатимизда яшовчи халқлар тилларининг ўзаро алоқа ва таъсири натижасида вужудга келган лисоний ҳодисалар, айниқса, ўзбек ва тожик халқларининг маданий-лисоний алоқаларини Самарқанд вилояти мисолида ўрганиш муҳимдир. Бу ҳудуддаги ўзбек-тожик лисоний алоқаларининг тарихи ва бугуни, икки тил вакиллари сўзлашув нутқида хос лексемаларни қиёсий-типологик тадқиқ этиш эҳтиёжи мавжуд. Бинобарин, Президентимиз таъкидлаганидек, “Ўзбекистон тақдири – бу Тожикистон тақдири, тожик халқининг келажаги – бу ўзбек халқининг ҳам келажагидир”¹. Шу сабабли мазкур тадқиқотда Самарқанд вилояти ҳудудидаги аҳоли пунктларида ёнма-ён яшаб келаётган тожик ва ўзбек тилларига хос сўзлашув нутқида мавжуд лексик-семантик ҳодисаларни замонавий тадқиқ усуллари ёрдамида таҳлил этишдолзарб муаммолар сирасига киради.

Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда янги таҳрирда қабул қилинган «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонунни амалга оширишга қаратилган Давлат дастурига тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисида 1996 йил 10

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон-Тожикистон: ҳамкорликнинг янги саҳифаси” номли маърузаси // Адолат газетаси. 2018 йил, 16 март.

сентябрдаги 311-сон қарори талаблари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-рақамли «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа маъмурий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технология ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқи, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида тиллараро алоқалар масалалари билан M.Ruhlen, J.Nichols, L.Edzard, Georg, Stefan, P.A.Michalove, A.M.Ramer, P.J.Sidwell, A.Francois, L.V.Lier, G.Doerfer, A.A.Потебня, Н.М.Жанпеисова, Л.Л.Аюпова, Р.М.Гайсина, А.А.Гируцкий, М.М.Михайлов ва бошқа тилшунослар шуғулланишган¹.

Марказий Осиёда тожик ва ўзбек тиллараро билингвизм муносабатларни ўрганишни Маҳмуд Кошғарий, Маҳмуд Замахшарий ва Алишер Навоий бошлаб берган ҳамда улар томонидан қиёсий-тарихий ва чоғиштира тилшуносликка асос солинган. Ўзбекистон ҳудудларидаги тиллараро алоқалар XX аср бошидан эътиборан Абдурауф Фитрат, Маҳмудхўжа Бехбудий, Е.Д.Поливанов, А.К.Боровков, У.Турсунов, Б.Ўринбоев, Р.Дониёров, К.Юсупов, Д.Ишондадаев, Ҳ.Ғуломов, О.Азизов, Т.Раҳмонов, М.Мирзаев, Л.Назарова, Н.Ғуломова, М.Зокиров, С.Зокирова; Тожикистон ҳудудидаги ўзбек ва тожик икки тиллигини Р.Ражабова, Б.Джабборов,

¹Ruhlen, Merritt. On the Origin of Languages: Studies in Linguistic Taxonomy. Stanford, CA: Stanford UP, 1994; Nichols, Johanna. Monogenesis or Polygenesis: A Single Ancestral Language for All Humanity? Ch. 58 of The Oxford Handbook of Language Evolution, ed. by Maggie Tallerman and Kathleen Rita Gibson. Oxford: Oxford UP, 2012. – PP. 558-572; Nichols, J. in The Handbook of Language Contact (ed. Hickey, R.). Wiley-Blackwell, 2010.– PP. 361–379; Edzard, Lutz. Polygenesis, Convergence, and Entropy: An Alternative Model of Linguistic Evolution Applied to Semitic Linguistics. Wiesbaden: Harrassowitz, 1998; Georg, Stefan, Peter A. Michalove, Alexis Manaster Ramer, and Paul J. Sidwell. Telling General Linguists about Altaic. Journal of Linguistics 35.1 (1999).– PP. 65-98; Francois, Alexandre. Trees, Waves and Linkages: Models of Language Diversification. In The Routledge Handbook of Historical Linguistics, ed. by Claire Bowern and Bethwyn Evans. New York: Routledge, 2014, – PP.161-189; Lier, Leo Van. The Relationship Between Consciousness, Interaction and Language Learning //Language Awareness. Volume 7,1998. –Issue 2-3. –P. 128-145; Doerfer G.Turkische Lehrnworterim tadjikische Sprache. Wiesbaden? 1967; Жанпеисова Н.М. Репрезентация национальных концептосфер в картине мира казахско-русских билингвов: теоретические аспекты. –Алматы: Доива-Братство, 2003. –195 с.; Аюпова Л.Л. Языковая ситуация: социолингвистический аспект. –Уфа: Восточный университет, 2000.–155 с.; Воробьев В.В. Лингвокультурология. Теория и методы. –Москва: Изд-во Российского ун-та дружбы народов, 1997. – 331с.; Майоров А.П. Социальные аспекты взаимодействия языков в билингвистическом коммуникативном пространстве. –Уфа: Изд-во БГМУ, 1997. – 138 с.; Потебня А.А. Мысль и язык. – Киев: СИНТО, 1993.–189 с.; Гайсина Р.М. Сопоставительное описание лексических полей: (На материале разнесистемных яз.): Учебное пособие по спецкурсу.–Уфа: БГУ,1990. –68 с.; Гируцкий А.А. Белорусско-русский художественный билингвизм: типология и история, языковые процессы / Под ред. П.П. Шубы. – Минск: Изд-во Минск.ун-та, 1990. –175 с.

Р.Хидиров вабошқа олимларнинг монографик тадқиқотларида маълум даражада ёритилган¹.

Ушбу диссертация иши тожик-ўзбек тилларининг билингвизм шароитида тиллараро аналогизмлар масалалари, билингвизм ва полилингвизм, интерференция каби лисоний ҳодисаларнинг қиёсий-типологик таҳлили Самарқанд вилоятига мансуб респондентлардан тўпланган материаллар асосида тадқиқ этишга бағишланади.

Диссертациянинг бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университетининг “Тожик-форс тилининг лексикология, лексикография ва услубиёти масалалари” мавзусидаги илмий тадқиқот режасининг таркибий қисми сифатида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тожик ва ўзбек тиллари билингвизми Самарқанд вилояти материаллари асосида қиёсий-типологик тадқиқ этиш ҳамда мазкур тилларнинг ўзаро таъсири, икки тиллилик, тиллараро аналогизмларни ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тиллараро билингвизмнинг жаҳон, тожик ва ўзбек тилшунослигида ўрганилиши масалаларига муносабат билдириш;

билингвизм ва полилингвизм масалаларининг назарий ҳамда амалий масалаларини таҳлил қилиш;

тожик ва ўзбек тиллари ўртасидаги кўп тарафлама (лексик, фонетик, грамматик) алоқаларни сўзлашув нутқ материаллари асосида кўрсатиб бериш;

икки тилга хос муштарак ва номуштарак лексемаларқатламини аниқлаш; тадқиқот объекти бўлган тилларга оид лексема ҳосил қилиш йўллари қиёсий таҳлил қилиш;

муштарак ва номуштарак лексемаларнинг лексикографик ҳамда семантик таҳлилини амалга ошириш;

¹Фитрат А. Танланган асарлар, IV жилд. – Тошкент: Маънавият, 2006; Бехбудий М. Танланган асарлар. – Тошкент: Маърифат, 1999; Поливанов Е.Д. Материалы по грамматике узбекского языка. –Тошкент, 1934; Боровков А.К. Таджикско-узбекское двуязычие. Москва, 1952; Дониёров Р. Рус тилидан ўзлашган шахс номлари. Филол. фан. номз... дисс. автореф. –Тошкент, 1965; Турсунов У., Ўринбоев Б. Ўзбек адабий тили тарихи. –Тошкент: Ўқитувчи, 1982; Гулямова Н. Русские лексические заимствования в узбекском языке. – Тошкент: Фан, 1985 –1975; Юсупов К. Ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро таъсири. –Тошкент: Фан, 1974; Ишондадаев Д. Некоторое особенности словообразования в таджикских и узбекских говорах Наманганских группы районов (К проблема таджикского в узбекского языкового взаимоотношение). Автореф. дисс. канд... филол. наук. – Ташкент, 1967; Гулямов Х.Г. Узбекско-таджикские языковые связи (лексико-этимол. исслед.) –Ташкент: Фан, 1983. – С.167; Мирзаев М. Ўзбек тилининг Бухоро гуруҳ шевалари. –Тошкент: Фан, 1969; Ражабова Р. Сопоставительный анализ лексических единиц таджикского и узбекского языков в условиях взаимодействия. Дисс... канд. филол. наук. –Душанбе, 2007; Джаборов Б.Номинации значений свойства в таджикском и узбекском языках. Дисс... канд. филол. наук. –Хўжанд, 2009; Хидиров Р. Лексические изменения таджикского и узбекского языков конца XX - начала XXI веков. Дисс... канд. филол. наук. –Хўжанд, 2009; Зокиров М. Лингвистик интерференция ва унинг ўзбек-тожик билингвизмида намоён бўлиши. Автореф. дисс... канд. филол. наук. –Тошкент, 2007; Зокирова С. Тиллар тадқиқида контрастив лингвистика илмий парадигмасининг ўрни. Филология бўйича фалсафа фанлари доктори (PhD) дисс... автореф. – Фарғона, 2018; Назарова Л. Говоры таджиков уругта. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Самарқанд, 1972; Истамова М. Лексика швейного и вышивального искусства в Самаркандских говорах таджикского языка. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Самарқанд, 1983.

мустақиллик даврида тожик ва ўзбек тиллари ўртасида билингвизм шароитида рўй берган ўзгаришларни тавсифлашнинг асосий хусусиятларини ёритиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти Самарқанд вилояти аҳолиси сўзлашув нутқидан йиғилган материаллар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети сифатида тожик ва ўзбек билингвизми шароитида фаол қўлланувчи лексемаларнинг қиёсий-типологик таҳлили Самарқанд вилояти материаллари асосида тадқиқ этиш танланган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида тарихий-қиёсий ва чоғиштира таснифлаш, тавсифлаш, этнолингвистик, синхрон, аналитик ва қиёсий-типологик таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тиллараро луғавий алоқалар халқларнинг этномаданий, этнолисоний ўзаро муносабатларининг қадимий ва фаол шаклларида қўлланиши Самарқанд вилоятидаги тожик-ўзбек икки тиллиги мисолида очиб берилган;

Самарқанд вилояти тожик-ўзбек билингвизми шароитида аналогизмлар юзага келишининг маданий, маърифий, маънавий, ижтимоий ҳамда лисоний мазмун-моҳияти исботланган;

мустақиллик даврида тожик ва ўзбек билингвизми юқори даражада эканлиги, хусусан, Самарқанд вилояти аҳолиси сўзлашув нутқида грамматик, лексик-семантик ва фразеологик қолиплардан кенг сўзлашув нутқида ўз аксини топганлиги аниқланган;

Самарқанд вилояти тожик ва ўзбек тиллари ўртасидаги алоқа таъсири масалалари асосан лексик, қисман фонетик, грамматик сатҳларда юз берган лисоний ўзгаришлар илмий-назарий жиҳатдан асосланган;

ҳудуддаги тиллараро алоқаларни тадқиқ этиш жараёни билингвизм, полилингвизм, тиллараро контакт, ўзаро таъсир, муштараклик ва номуштараклик, лексема ўзлаштириш, лингвистик интерференция сингари бир қатор лисоний ҳодисалар фактик материаллар асосида далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тожик ва ўзбек сўзлашув нутқи лексикографик асарларда ифодаланиши аниқланиб, олинган хулосалар тожик-ўзбек тиллари лексикасини янада чуқурроқ ўрганишга имкон бериши илмий-назарий жиҳатдан асосланган;

тадқиқот асосида яратилган “Самарқанд вилояти ўзбек ва тожик тилларида бир хил қўлланадиган сўзлар изоҳли луғати” тузилиб, тил таълимида ўқувчиларнинг филологик билимларини ошириш, сўзларнинг маъноларини теран англашига хизмат қилиши кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилгани, чиқарилган хулосаларнинг таснифлаш, тавсифлаш каби усуллар билан асослангани, икки тиллилик масаласига тадқиқ этилаётган тилларнинг табиатидан келиб чиққан ҳолда илмий ёндашилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар тожик ва ўзбек икки тиллигини янада кенгроқ тадқиқ этиш учун

муҳим илмий-назарий маълумотлар беради, шунингдек, тадқиқот тожик ва ўзбек тиллари диалектологияси, лексикологияси, чоғиштирма тилшунослик каби фанлардан дарслик, ўқув қўлланмалар ва икки тиллилик изоҳли луғатлар тайёрлашда, махсус курслар учун муҳим амалий материал сифатида хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тожик ва ўзбек тиллари икки тиллилиги тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

диссертацияда келтирилган *бир тиллилик, икки тиллилик, икки тилли муҳит, икки тилли оила, икки тилли халқ, табиий икки тиллилик* сингари терминларнинг тожик ва ўзбек миллий менталитетини ёритишдаги аҳамиятига оид хулосалардан Ф-1-06 рақамли “Истиклол даври ўзбек адабиётида Шарқу Ғарб адабий анъаналари синтези” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 28 декабрдаги ФТА-0211/1380-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг амалиётда татбиқ этилиши тилшунослик, этнология ва этнография соҳаларига доир терминларнинг мазмун-моҳияти ҳамда тожик-ўзбек иккитиллигига доир илмий тушунчаларнинг мазмунини аниқлаштиришга хизмат қилган;

тадқиқотда учровчи ҳар икки тилда фаол қўлланадиган тил бирликларига оид назарий хулосалардан ОТ-Ф8-062 “Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта таълим вазирлигининг 2018 йил 6 июндаги 89-03-2212-сон маълумотномаси). Натижада ўқувчилар Самарқанд вилояти тожик ва ўзбек тилларига хос лексемаларнинг ҳосил бўлиши йўллари хусусида маълумотга эга бўлган.

Тадқиқот натижалари асосида чоп этилган “Самарқанд вилояти ўзбек ва тожик тилларида бир хил қўлланадиган сўзлар изоҳли луғати”да (ISBN 978-9943-14-531-3) 1000 га яқин сўзларининг изоҳи берилган. Илмий натижалар асосида икки тиллиликка хос луғавий бирликларнинг маънолари бойиган, изоҳлари мукаммаллашган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 28 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 39 та илмий иш, жумладан, 1 та изоҳли луғат, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 7 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 153 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “**Кириш**” қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар кўрсатилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Тиллараро алоқалар, икки тиллик ва кўп тиллик масалаларининг ёритилиши**” деб номланиб, у уч фаслдан иборат бўлиб, “**Икки тиллик масалаларининг адиблар ижодида берилиши**” номли биринчи фаслида тиллараро алоқалар тўғрисида фикр юритилади. Ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги алоқалар қадимий бўлиб, жумладан, унинг илк илдизлари милоддан аввал VII–VI асрларда Аҳмонийлар ва Қанг давлатида эса милоддан аввал III–II асрларда бошланган¹.

Шунингдек, тожикистонлик тарихчи олим Б.Ф.Ғафуров таъкидлашича, бу тарих милоддан аввалги даврлар билан боғланади. Айниқса милодий VI асрлардан бошлаб, бу икки халқ билингвизми ҳолати янада кучайган². Ана шундай тилларнинг қадимий билингвизм ҳолатидаги тил хусусиятларини ўрганиш ҳам анча қадим даврлардан бошланган. Жумладан, араблар даврида Абу Али Ибн Сино, Беруний, Фаробий, хусусан, Маҳмуд Кошғарий, Маҳмуд Замахшарий, Алишер Навоий ва бошқаларнинг ижодларида билингвизм масалалари ҳақида фикр-мулоҳозалар мавжудлиги кузатиш мумкин. Масалан, Маҳмуд Кошғарийнинг XI асрда ёзилган “Девону луғотит турк” асари туркий ва ўзга тилларни ўрганиш учун грамматик қўлланма, этнографик, тарихий, географик, фолкълор материали ҳамдир. У туркий тилларнинг фонетик ва грамматик хусусиятларини турк, ўғуз, кипчок шевалари материаллари асосида қиёслайди³. Аллома туркий тилларнинг араб тилидан кам эмаслигини кўрсатган ҳолда бошқа тиллар таъсирида бўлмаган тилларни соф тиллар деб ҳисоблагани боис, ўзига маълум тилларни иккига ажратган: 1. Соф аралашмаган. тўғри тиллар. 2. Аралашган, нотўғри, бузилган тиллар. Маҳмуд Кошғарийнинг фикрича, “аралашган” тиллар, кўпинча, суғдча ёки форсча билан алоқага киришган, асосан, бир неча шаҳарларда қўлланадиган тилдир⁴. Кўринадики, буюк олим ўз асарида туркий ва эроний (суғд, форс) тилларнинг ўзаро таъсирини назарда тутган.

Маҳмуд Замахшарийнинг «Муқаддимат-ул адаб» асари ўша даврда араб тилининг истеъмолда бўлган барча сўзлари, ибораларини қамраб олиб, уларнинг маънолари, этимологияси етарли даражада кенг шарҳланади. Унда

¹Қаранг: Аскарлов А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Тошкент: Университет, 2007, –Б. 34, 64, 164-183, 228, 262.

²Ғафуров Б. Г. История таджикского народа. Том II. – Москва, 1984. – Б. 110.

³ Дадабоев Х. «Девону луғотит турк»нинг тил хусусиятлари. – Тошкент, 2017. –Б. 6-40.

⁴Маҳмуд Кошғарий. “Девону-луғотит турк, 1- том. –Тошкент: Фан, 1960. Б. 65.

форс, чиғатой (ўзбек), мўғул, турк тилларига доир маълумотлар ҳам берилган. Унинг «Муқаддимат ул-адаб» асарида форс, ўзбек ва мўғул тилларига хос лексемалар қиёсланган.

Алишер Навоий “Муҳокамат-ул луғатайн” асарида туркий-ўзбек ва форс – тожик тилларининг қиёсий тадқиқини яратди. Бу билан тилларни ноқардош тиллар билан қиёслаш илмига асос солди. У бошқа тилларда, хусусан, форс тилида муқобили топилиши қийин бўлган юзта феълни қиёслаб шундай деб ёзади: “... ва турк алфозида бу навъ лафз кўп топилур. Масалан, бу мазкур бўлгон юз лафздин бир нечага маиғуллик қилиб собит қилали, то ҳамс муқобалада илзом бўлсунки, ўзгаларни мунга қиёс қилсун”¹.

Адиб баъзи лексемалар араб, форс тилларидан олинганлигини айтиб, уларнинг вариантини ўзбек тилида ҳам борлигини кўрсатиб ўтади: *алфаз-сўзлар, атрак-турклар, гуфтор-сўз, забон-тил, калом-сўз, калимат-сўзлар, мактуб-хат, лафз-сўз, лисон-тил* ва б.

Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Тил масаласи” сарлавҳали мақоласида “...келар замон ҳозирланайлук ўтган замон учун эмас”, деган жумлаларини ўқиймиз: – “Биз туркистонийларга туркий, арабий, форсий ва русий билмоқ лозимдур. Туркий, яъни ўзбекини сабаби шулки, - дейди Бехбудий, - Туркистон аҳлининг аксари ўзбеки сўзлашур. Форсий бўлса, мадраса ва удабо тилидур. Барча мадрасаларга шеърий ва диний китоблар арабий... Бу қоида, яъни дарс китоби арабий, муаллим – туркий, таҳриру таржимони форсийлиги ҳийла ажибдур. Туркистонда қадимдан бери бу уч тил жорийдур”².

Таниқли адиб С.Айний “Қуллар”, “Эсталиклар”, “Эски мактаб”, “Судхўрнинг ўлими”, “Дохунда” каби асарларини ўзбек тилида ёзиши билан бирга, тожик тилига ҳам ўзи таржима қилган. У ўз асарида арабий, форсий, туркий ва русча лексемалардан маҳорат билан фойдаланган.

С.Айний асарларида икки тилга оид куйидаги лексемалар фаол қўлланган: ҳаракат-ҳолат ва белги (*хушёр, бекор, бечора*); касб-кор (*мардикор, бошлиқ, раис*); қариндошлик (*қариндош, биродар, ака-ука*); озиқ-овқат (*мошхўрда, ҳавлойтар, мошкичири*) кабиларга хос номлари ва б.

Хуллас, икки тиллилик ва кўп тиллилик масалалари қадимдан мавжуд бўлиб, зуллисонан адибларнинг асарларида ўз аксини топган.

Бобнинг **“Жаҳон тилшунослигида қиёсий-типология масалаларининг тадқиқ этилиши”** номли иккинчи фаслида жаҳон тилшунослигида қиёсий-типология масалалар билан шуғулланган Г.Шухардт, Л.В.Щерба, Е.Д.Поливанов, В.И.Рассадин В.А.Аврорин, Е.М.Вершчагин, В.А.Виноградов, Ф.Ф.Фортунатова, М.М.Михайлов каби олимларнинг икки тиллиликка доир мулоҳазалари ҳамда илмий-назарий қарашларига муносабат билдирилган³.

¹Алишер Навоий. Муҳокамат-ул луғатайн. –Тошкент: Тафаккур, 2014. – Б. 109.

²Бехбудий М. Танланган асарлар. –Тошкент: Маърифат, 1999. – Б. 122.

³Шухардт Г. Вещи и слова // Избранные статьи по языкознанию. –Москва, 1950; Щерба Л. В. К вопросу о двуязычии // Щерба Л. В. Языковая система и речевая деятельность. – Л., 1974; Поливанов Е.Д. Материалы по грамматике узбекского языка. –Ташкент, 1934; Рассадин В.И. Монголо-бурятские заимствования в сибирских тюркских языках. –Москва, Наука, 1980; Михайлов М.М. Двуязычие: Принципы и проблемы. –Чебоксары: ЧГУ, 1969.

Тилшуносликда қиёсий – типология, тиллараро алоқаларни тадқиқ этиш жараёни билингвизм, полилингвизм, тиллараро контакт, тилларнинг аралашуви, тилларнинг ўзаро таъсири, тиллараро муштараклик ва номуштараклик, лексема ўзлаштириш, лингвистик интерференция сингари бир қатор терминлар билан ифодаланиши ҳам таҳлил этилган.

Тилларни қиёсий текшириш Европада XIX асрнинг бошларидан бошланган. Компаративистиканинг йирик вакилларида бўлган Вильгелмфон Гумбольдт дастлаб Европа тилларини, кейинроқ баск, санскрит, хитой, малай, Полинезия ҳиндулари, қадимги яҳудий, япон тилларини қиёслаб ўрганган.

Г.Шухардт “Тиллар аралашуви масаласига доир” мақоласида ёзишича, дунёда аралашмаган, бошқа тиллар элементларини ўзида сақламаган тил йўқ¹. Ҳинд-Европа тилларини ўрганган Антуан Мейе “Ҳинд-Европа тилларини қиёсий-тарихий ўрганишга киришиш”² асарида сўз қабул қилиш ҳодисасига социологик нуқтаи назардан ёндашган.

Ўзбек ва тожик билингвизми масаласи бўйича А.К.Боровков, Ҳ.Ғуломов, К.Юсупов, Д.Ишондадаев, М.Мирзаев, Р.Раҳматова, Б.Жабборов, Р.Хидиров, М.Зокиров, С.Зокирова сингари тилшунослар шуғулланишган³.

Айрим тадқиқотларда Самарқанд вилоятининг тожик тили шимолий гуруҳига мансуб шеваларига ўзлашган ўзбекча лексемалар бошқа гуруҳларга нисбатан анча кўплигиқайд этилади⁴. Бунинг асосий сабабларидан бири икки халқ вакиллариининг қадимдан бирга яшаб келаётганликлари ва доимий мулоқотда бўлганликларидан деб ўйлаймиз. Шу билан бирга, ўзбекча ўзлашмалар кириб келишининг илдизлари анча қадимий эканлигини ҳам айтиб ўтмоқ жоиз⁵. Чунончи, тожик тили касб-хунар ҳамда техник терминологияси бўйича олиб борилган тадқиқотларда соҳага оид ўзбекча сўзлар XI асрлардаёқ ўзлашгани қайд этилади⁶.

¹Шухардт Г. Вещи и слова // Избранные статьи по языкознанию. – Москва, 1950. – С. 175.

²Сергиевский М. Антуан Мейе и его “Введение в сравнительное изучение и доевропейских языков // Мейе А. Введение в сравнительное изучение ипдоевропейских языков”. – Москва – Ленинград, 1938. – С. 5.

³Боровков А.К. Таджикско – узбекское двуязычие. –Москва, 1952; Гулямов Х. Узбекского таджикские языковые связи. –Ташкент: Фан, 1983; Юсупов К. Ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро таъсири. – Тошкент: Фан, 1974; Ишондадаев Д. Некоторое особенности словообразования в таджикских и узбекских говорах Наманганих группы райёнов (К проблема таджикского в узбекского языкового взаимоотношение). Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1967; Мирзаев М. Ўзбек тилининг Бухоро гуруҳ шевалари. – Тошкент: Фан, 1969; Ражабова Р. Сопоставительный анализ лексических единиц таджикского и узбекского языков в условиях взаимодействия. Дисс... канд. филол. наук. –Душанбе, 2007; Джаборов Б. Номинации значений свойства в таджикском и узбекском языках. Дисс... канд. филол. наук. –Хўжанд, 2009; Хидиров Р. Лексические изменения таджикского и узбекского языков конца XX - начала XXI веков. Дисс... канд. филол. наук. –Хўжанд, 2009; Зокиров М. Лингвистик интерференция ва унинг ўзбек-тожик билингвизмида намоён бўлиши. Филол. фан. номз.... дисс. автореф. –Тошкент, 2007; Зокирова С. Тиллар тадқиқида контрастив лингвистика илмий парадигмасининг ўрни. Филологияфанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)дисс... автореф. – Фарғона, 2018.

⁴Назарова Л. Говоры таджиков ургута. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Самарқанд, 1972;Истамова М. Лексика швейного и вышивального искусства в Самаркандских говорах таджикского языка. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Самарқанд, 1983. Бердикулов Х. Лексикаи чорводории водии Зарафшон. Филол. фан. номз.... десс. – Душанбе, 1993.

⁵ Собирова М. Семантическая характеристика предлогов в толковом словаре современного таджикского языка. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Душанбе,1972; Садуллоев Б. Говоры таджиков Шахриябза. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Душанбе, 1972.

⁶Шарофов Н.О. Чўраев Т.Қ. Лексикаи касбу хунар-сарчашмаи терминологияи техникийи тоҷик. – Душанбе, 1991.

Мазкур бобнинг “**Лексиканинг қиёсий-типологик хусусиятлари таҳлили**” номли учинчи фаслида лексик-семантик қатламнинг типологик таҳлили, муаммолари бўйича фикр юритилган. Тил мураккаб ва ўзига хос қурилма. Унинг амалий қўлланилишида тил лексикаси муҳим роль ўйнайди. Бунда лексика тилнинг бутун система ичида ўзига хос тизим сифатида намоён бўлади. Тилнинг лексик тизими, нафақат кам тадқиқ этилган, у ўзининг тузилиши ва ифода хусусияти жиҳатдан ҳам тўлиқ ўрганилмаган.

Лексиканинг ўрганилиши турли таълим жабҳалари амалиёти учун алоҳида эътиборга молик бўлган соҳасидир. Қиёсий лексикология бўйича жаҳон тилшунослигида бир қатор монографик тадқиқотлар яратилган¹.

Лексик birlikларнинг мазмуний томони тилшунос олимларнинг эътиборини доимо тортиб келмоқда. Бунга эҳтиёж бевосита тил ўрганувчиларда кузатилади: лексика тузилишига кўра шу қадар чексизки, таҳлилга тортилаётган далил ва мисоллар унда мавжуд бўлган алоқа ва муносабатларни тўлалигича акс эттириб беролмайди.

Ўрта Осиё халқларининг қадимий алоқалари бир-бирига ижобий таъсир этиб келган, бунинг натижасида, мазкур ҳудудда билингвизм ҳодисаси шаклланиши кузатилган. Икки тил вакиллари орасида қўшни тиллар адабий меъёрларидан фарқланувчи фонетик, грамматик ва лексик хусусиятларга кўчиши ҳам рўй беради. Бунда ўзига хос билингвизм турлари шаклланишига сабаб бўлади. Муайян ҳудудда, яъни Ўзбекистон ҳудудида икки тиллиликнинг кўйидаги турлари кузатилади:

кардош туркий тиллар вакиллари (ўзбек-қozoқ, ўзбек-туркман, ўзбек-қирғиз, ўзбек-қорақалпоқ, ўзбек-уйғур тиллари) билингвизми;

кардош бўлмаган тил вакиллари (ўзбек-рус, ўзбек-тожик, қарақалпоқ-рус, рус-корейс) билингвизми кабиларни келтириш мумкин.

Лексика соҳасида экстралингвистик тил ҳодисаларига боғлиқлиги, бир тилнинг бошқа тилдан турли элементларни ўзлаштириши, яъни тилларнинг ўзаро интеграцияси ҳақида гап борганда бу ҳодиса тўлиқ намоён бўлади. Бу турдаги ўзлаштириш халқлар орасидаги ўзаро турли (*иқтисодий-сиёсий, маданий-маърифий*) муносабатлар, алоқалар натижасида юзага келади.

Хуллас, тожик ва ўзбек тиллари алоқалари тарихи узoқ бўлиб, уларнинг лексикасидаги муносабатлари умумийлик ва хусусийлик кўринишга ҳам эга.

¹Нильсен Е.А. Лексико-семантическое поле как элемент картины мира // Сб.ст. *Studia Linguistica* – 9. Когнитивно-прагматические и художественные функции языка. –СПб.: Тригон, 2000; Гируцкий А.А. Белорусско-русский художественный билингвизм: типология и история, языковые процессы / Под ред. П.П.Шубы. –Минск: Изд-во Минск.ун-та, 1990; Двужычье и взаимовлияние языков. Межвузовский сборник научных трудов / Отв. ред. М.М. Михайлов. –Чебоксары: ЧГУ, 1990; Михайлов М.М. Двужычье: Принципы и проблемы. –Чебоксары: ЧГУ, 1969; Абдурахманова А.К. Способы номинации какотражение языковой картины мира в узбекском и русском языках. Автореф. дисс.... канд. филол. наук. –Тошкент, 2007; Абишназарова М.Н. Артикуляционные переходы и двучленные консонантные сочетания по месту образования в русском и каракалпакском языках. Автореф. дисс... канд. филол. наук.–Тошкент, 2012; Жанпеисова Н.М. Репрезентация национальных концептосфер в картине мира казахско-русских билингвов: теоретические аспекты. –Алматы: Доива-Братство, 2003; Гайсина Р.М. Сопоставительное описание лексических полей: (На материале разносистемных яз.): Учебное пособие по спецкурсу. –Уфа: БГУ, 1990; Гируцкий А.А. Белорусско-русский художественный билингвизм: типология и история, языковые процессы /Под ред. П.П.Шубы. –Минск: Изд-во Минск.ун-та, 1990; Двужычье и взаимовлияние языков. Межвузовский сборник научных трудов / Отв. ред. М.М.Михайлов. –Чебоксары: ЧГУ, 1990. – С.107.

Бу уларнинг генетик хилма-хил бўлишига қарамай ўзаро муштараклик ва номуштараклик хусусиятларининг мавжудлигидан далолат беради.

Диссертациянинг иккинчи боби “Самарқанд вилояти тожик ва ўзбек тилларига хос муштарак лексик қатламлар” деб номланган бўлиб, у уч фаслга бўлинган. Унинг “Икки тилга хос лексемалар таркиби” номли биринчи фаслида мазкур тилларга хослексемалар қўлланиши таҳлил этилган: суғдча (*чироқ, парча, фаршита*)¹, форсийча (*чорноя, саркор, намакоб, кушойиш*)², туркийча (*ёш, қўчқор, келин, қалин, қайла*)³, юнонча (*фантан, ананас, кактус*), арабча (*мактаб, қори, хатм*)⁴, мўғулча (*ботир, мерган, бакавул*)⁵, русча-байналмилал (*трактор, мошин, лампочка*)⁶ каби лексемаларнинг қўлланиши таҳлил қилинган.

Мазкур бобнинг “Икки тилга хос лексемаларнинг лексик-семантик гуруҳлари” номли иккинчи фаслида вилоятда мавжуд бўлган билингвизм шароитида қуйидаги лексик-семантик гуруҳ (ЛСГ)⁷ларга мансуб лексемалар таҳлил этилган: озиқ-овқатга доир ЛСГ: *қаймоқ, қатлама // қалама, қайла, қотирма*; характер-хусусиятга хос ЛСГ: *шўх, бахилтисмиқ // писмуқ*; қариндошликга доир ЛСГ: *ота // дада, она // бийе,ака, ука,тоғо*; киши тана аъзосига тегишли ЛСГ: *тирсак, юрак, кўкрак // кўрак // билак*; ижтимоий-сиёсий ҳаёт билан боғлиқ ЛСГ: *мустақиллик, сайлов, туман, вилоят, йиғилиш, маданият*; ҳарбий соҳага тегишли ЛСГ: *бошлиқ, қаровул, қуролдош, чақирув қоғаз, милтиқ, буйруқ*; молия иқтисодга оид ЛСГ: *ойлик, пул, сўм, фойда, зарар, қиммат, арзон*; меъморчилик-қурилиш билан боғлиқ ЛСГ: *муҳандис, уста, наққош, дурадгор*; таълим-тарбияга хос ЛСГ: *муаллим, домла, хулқ, панд-насиҳат*; диний тушунчаларни ифодаловчи ЛСГ: *ҳадис, имом, намоз, азон, ҳайит, ҳаж, ҳожжи, умра* кабилар.

Бобнинг “Ономастик бирликлар таҳлили” номли учинчи фаслида ҳудудга хос ономастик бирликлар узоқ тарихий даврнинг муҳим маҳсули сифатида ҳудуд этнотопонимлар таркибини ўрганиш бўйича фикр

¹Усмонов С. Ўзбек тилининг луғат составида тожикча – форсча ва ўзбекча сўз // Навоийга армуғон. – Тошкент, 1968. –Б. 110; Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. – Тошкент: Фан, 1992. –Б. 30; Дадабоев Ҳ. ва б. Ўзбек адабий тили лексикаси тарихи. – Тошкент: Фан, 2007. –Б. 31-37; Отахўжаев А. Хитой манбаларида туркий ва суғдий умумийлик ҳақида // Этнос ва маданият: анъанавийлик ва замонавийлик. Республика конференцияси материаллари. – Тошкент: Фан, 2010. –Б. 74.

²Бегматов Э. Ўзбек тилининг лексик қатламлари. – Тошкент: Фан, 1985. –Б. 85; Абдиев М.Б. Соҳавий лексиканинг систем таҳлили (Самарқанд вилояти материаллари асосида). Филол. фан. докт.... дисс. автореф. – Тошкент, 2005. – Б. 32; Дадабоев Ҳ. ва б. Ўзбек адабий тили лексикаси тарихи. – Тошкент: Фан, 2007. –Б. 47-63.

³Бегматов Э. Кўрсатилган асар. –Тошкент: Фан, 1985. –Б. 87; Назаров Л. Говоры таджиков Ургута. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Самарқанд, 1971. Стр. 9-27; Истамова М. Лексика швейного и вышивального искусства в Самаркандских говорах таджикского языка. Автореф. дисс... канд. филол. наук. –Душанбе, 1983.–С.8-18; Муҳаммадалиев Х. Форс тилига ўзлашган туркий сўзлар оммавий коммуникациянинг бир кўриниши // Марказий Осиё луғатчилиги. –Тошкент, 2003, –Б. 54.

⁴Бегматов Э. Кўрсатилган асар. –Тошкент: Фан, 1985. –Б. 90; Дадабоев Ҳ. «Девону луғотит турк»нинг тил хусусиятлари. – Тошкент, 2017. –Б. 27-37.

⁵Бегматов Э. Кўрсатилган асар. – Тошкент: Фан, 1985. –Б. 87; Дадабоев Ҳ. Эски ўзбек тили обидаларида мўғулча сўзлар // ЎТА. – Тошкент, 1986. – № 6. –Б. 32; Дадабоев Ҳ. ва б. Ўзбек адабий тили лексикаси тарихи. – Тошкент: Фан, 2007. –Б. 37-47.

⁶Данияров Р. Ўзбек тилига ўзлашган русча-байналмилал шахс номлари. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Тошкент, 1965; Гулямова Н. Русские лексические заимствования в узбекском языке. – Тошкент: Фан, 1975.

⁷ Бу ҳақда қаранг: Абдиев М. Соҳавий лексика систем таҳлили. – Тошкент: Халқ мероси, 2004. – Б. 76-86.

юритилади. Хусусан, ҳудудда бир нечта миллат, элат, уруғ вакиллари яшаётганлиги кузатилади: *Кенагас, Мўғол, Қизилбош, Эшонқишлоқ, Ўзбеккенти, Қозоқовул, Тожиқовул, Жўғихона* сингари этнотопонимларнинг мавжудлиги фикримизни тасдиқлайди. Бироқ ҳудудда истиқомат қилаётган маҳаллий аҳолининг этник таркиби бир хил эмаслигини, тожик тилли аҳоли *Хўжайиқудуқ, Вағашли, Камангарон [Ург.], Қозихона, Адас, Зарафшон [Тай.], Миронқул, Равонак, Шўрбои, Сафеди (С.т)* каби ҳудудларда, Ургутнинг *Торинжаск, Чорчинор, Сўфиён, Ғўсс, Соғғўсс*, Тайлоқнинг *Пайшанба Сиёб, Ворсин, Таллиота, Қўрғонча*, Самарқанд туманининг *Қозиариқ, Гулобод, Пўлатдархон, Ўзбеккенти* сингари аҳоли пунктлари ҳамда Самарқанд шаҳрида кўпгина маҳаллаларда тожик ва ўзбек тилида сўзловчилар истиқомат қилувчи жой номлари мавжудлиги аниқланди.

Шунингдек, мазкур фаслда тарихий шахс (*Хўжа Аҳрор, Ғўри Амир, Маҳдуми Аъзам*) каби номлар билан аталувчи антропонимлар ҳамда касб-хунар (*Сузангарон, Кулолон, Заргарон*); фойдали қазилма бойликлар (*Зармитан, Конигил, Кумушкент*); тоғ жинслари (*Оқтош, Оҳакли, Конигил*); кушлар (*Какликсой, Кафтархона, Чумчуқли*); ўсимликлар (*Пистамазор, Себзор, Мевали*) номлари билан аталувчи топонимлар ва гидронимлар; ўзбекча (*Каттақўрғон, Янгиқент, Бешкана*), тожикча (*Навбаҳор, Панжоб, Чоршанба*) асослардан тузилган топонимлар ҳам талқин этилди.

Демак, ҳудуддаги ўзбек ва тожик тилларига хос муштаракликни луғавий қатлам, лексик – семантик гуруҳлар ҳамда ономастик бирлик материаллари таҳлили тўла тасдиқлайди.

Диссертациянинг **“Самарқанд вилояти тожик ва ўзбек тилларига хос лексемалар ҳосил бўлиш йўллари”** номли учинчи боб уч фаслдан иборат. Унинг **“Аффиксация усули билан ясалган лексемалар”** деб номланган биринчи фаслида икки тилга хос сўз ясовчиларнинг биридан иккинчисига ўтиши ҳолатлари таҳлил қилинган. Тожикча префиксларнинг ўзбекча аффикслар билан синонимик тарзда ифодаланиши: *бамаъни гап-маънили гап, бақувват одам – кучли одам* кабилар. 1. Тожикча + ўзбекча суффикслар ёрдамида ҳосил қилинган лексемалар: *марди + кор + лик = мардикорлик, лаган + бар + дор + лик = лаганбардорлик*. 2. Ўзбекча суффикслар ёрдамида тожикча лексемалар ҳосил қилиниши: *мўзачи, гиначи, мардакча, зардча, эпчил, куттачан, корчан, рўгансимон* ва б. 3. Ўзбекча қўшимчаларнинг тожик тилида ўз маъносида қўлланилиши: *тўграма (сомса), ёрма (ем), таклама (чарм), қийма (кабоб)* ва б. *-чи, -дош, -лик, -и* сингари асли ўзбекча, сўнгра *-кор, (-гар, -кар), -каш, -дор, -бон* каби асли форс-тожикча шахс номларини ясовчи суффикслар ҳам сўз яшашда фаол иштирок этади¹. Улар нафақат шахс номлари, балки кундалик нутқ жараёнида фаол қўлланивчи кўплаб лексемалар ҳосил қилишда иштирок этишини тадқиқот материаллари тўла тасдиқлайди.

¹ Абдиев М. Касб-корни ифодаловчи шахс номларининг ясалиш асослари. – Тошкент: Тафаккур, 2015. – Б. 83.

Самарқанд вилояти икки тилли аҳолиси нутқида ишлатиладиган аффиксларни уч гуруҳга бўлиб ўрганишни маъқул топилди: 1.Ўзбек тилида сўзлашувчилар нутқида қўлланадиган форс-тожикча қўшимчалар: -дон: *У бола жуда билимдон экан [Сам.ш.]; -истон: Ватанимиз Ўзбекистон доимо тинч бўлсин [Сам.т.]; -зор: Бу ернинг ҳамма жойи гулзор экан [Ург.]; -гар: Бу узукимни заргарга яساتган эдим [Тай.]* ва б. 2.Тожик тилида сўзлашувчилар ишлатадиган ўзбекча қўшимчалар: -ли: *Ин кори самаралия ҳама вақт карда истодан даркор; -миш: Вай себойи нағза аз яшишук сарамши карда гифт [Оқ.қ.]; -лик: Мардими қишлоқи мо чорвочилику богдорчилик кати машгул [Рав.қ.]; -дош: Вай бачема синфдошаш мушуд [Оқ.қ.]* ва б. 3.Икки тилда бир хил ишлатиладиган қўшимчалар: -хўр: *У жудаям арақхўр [Сам.ш] // Дадому онам нафақахўр [Оқ.қ.]; -зор: Бу богни ҳали гулзор қилишимиз керак [Жом.т.] // Баҳор омаду замино лолазор шуд [Рав.қ.]; -чи: Эртанги тўйга чойхоначи айтдим [Тай.] // Касби бовокалонамо махсичи буд [Каф.м.]* ва б.

Хуллас, ҳудуд аҳолиси нутқида сўз ясалишининг аффиксация усули анча фаоллиги билан ажралиб туради.

Бобнинг **“Композиция усули билан сўз ясалиши”** номли иккинчи фаслида ҳудудда яшовчи тожик тилида сўзлашувчилар нутқида ўзлашган ўзбекча лексемалар от (*кетмон, қаймоқ, қайроқ*); сифат (*суюқ, бузуқ, силлиқ*); сон (*икки, элик, юз*); модал (*бирдан, тичи, анча*) сўз туркумларига хослиги билан ажралиб туради.

Ҳудуд аҳолиси нутқида *баланд парвоз, бари бир, бинафшаранг, томарқа* сингари қўшма ва бирикма лексемалар муштарак ҳолда қўлланади. Шунингдек, тожик тилидан калькалаш орқали ҳосил қилинган ўзбекча бирикмалар: *жоду қилмоқ, даста ясамоқ, бўрон бўлмоқ*; тожикча изофаларнинг ўзбек тилига тўғридан тўғри қўлланилиш: *дарди сар, ойнаи жаҳон, офтоби олам* ҳолатлари ҳам учрайди.

Ҳудуднинг ўзбек тилида сўзлашувчилар нутқида тожик тилига хос бўлган *хуш* компонентли лексемалар фаол иштирок этади: *хуш кўрдик, хушмуомала, хушбўй, хушомад ва б.* Бу ясама, аммо улар ўзбек адабий тили нуқтаи назаридан содда сўз ҳисобланади.

Ҳудуднинг тожик тилида сўзлашувчи аҳолиси нутқидаги *сар* лексемаси, “бош” маъносини ҳам англатади. *Сар - сартарошхона, сардор, саргардон* (ушбулар ўзбек адабий тил нуқтаи назаридан содда сўз ҳисобланади). “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да 98 та, “Фарҳанги забони тоҷикӣ”да эса 322 та сар компонентли лексемалар изоҳи берилган¹. Булар мазкур компонентли лексемаларнинг икки тил луғат бойлигида муҳим ўрин эгаллашидан далолат беради. “Забони адабии ҳозираи тоҷик” номли дарсликда бу ҳақда шундай ёзилган: “Чунончи, аз як калимаи решагии “сар” воҳидҳои луғавии зерин сохта шудаанд (*Чунончи, “сар” лексемаси ўзаги ёрдамида қуйидаги сўзлар ясалган*): *саргардон, саргузашт, сардор, саркор, сарзамин, сармоя...*”²

¹Ўзбек тилининг изоҳли луғати. III жилд. –Тошкент: ЎЗМЭ, 2007; Фарҳанги забони тоҷикӣ. Ҷилди I.– Душанбе, 2008.

²Воҳидов А. Кабилов М. Забони адабии ҳозираи тоҷик. –Тошкент, 2012. – С. 27.

Шунингдек, ҳудуд аҳолисининг ўзбекча нутқида сарак-сарак (*Бошини сарак-сарак қилмоқ*), сараламоқ (*У яхиисини саралаб олди*), саралаб-саралаб (*Йигитларни саралаб-саралаб олди*), саранжом-саришта//саришта саранжом (*Уларнинг уйи доим саранжом-саришта туради // У киши ҳамма ишини саришта - саранжом қилиб юради*) сингари содда, жуфт ва такрор тузилишдаги лексемалар ҳам кўп ишлатилади.

Ўзбек тилида “сар” компонентли содда лексема сўз ясовчи қўшимчалар қўшилиши натижасида янги лексемалар ҳосил қилинганлигини ҳудуд материаллардан далил сифатида келтириш мумкин: *саркашлик, сарсонгарчилик, саришталаш* ва б.

Маълумки, ўзбек тилида қилмоқ феъли ҳам мустақил, ҳам ёрдамчи феъл вазифасини бажаради. Мустақил феъл вазифасида келганда ҳаракатни билдиради, яъни мустақил маънога эга бўлиб, кесим вазифасини бажаради, бирор сўзни бошқариб келиб феълга хос шаклларига эга бўла олади¹. Шунингдек, ёрдамчи феъл вазифасида келиб, барча сўз туркумлари билан бирикиб қўшма феъл ясай олади. Тожик тилида эса қилмоқ феъли маъносини *кардан // кадан // кад* феъллари орқали ифодаланади.

